Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!

Vaziyat

2021 йил
29 июль
№ 30 (815)

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

Тест синовлари 5 августдан бошланади

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлисининг 2-сон баёни тасдиқланди.

Унга кўра, пандемия шароитидаги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, 2021–2022-ўқув йили қабулида олий таълим муассасаларига кириш тест синовлари 2021 йил 5 августдан бошланади ҳамда тест синовлари очиқ стадион ва хиёбонларда ўтказилиши белгиланди.

Тест синовлари қоида тариқасида, кунига икки сменада ўтказилади ва 1-смена 07:00 да, 2-смена 19:00 да бошланади.

Тест топшириқлари сони мақбуллаштирилиб, кириш тест синовларига жами 3 соат вақт ажратилиши белгиланди



Адлия вазирлигининг "Ҳуқуқий ахборот" телеграм канали хабарига кўра, барча тест топширувчилар учун мажбурий бўлган 3 та фан бўйича:

она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили) – 10 та савол. Ҳар бири учун 2.1 баллдан, максимал балл – 21 балл;

математика – 10 та савол. Ҳар бири учун 2.1 баллдан, максимал балл – 21 балл;

Ўзбекистон тарихи – 10 та савол. Ҳар бири учун 2.1 баллдан, максимал балл – 21 балл.

Жами тўплаш мумкин бўлган балл – 63 балл.

Бакалавриат таълим йўналишига мос бўлган 2 та фан бўйича:

1-фан – 20 та савол. Ҳар бири учун 3.15 баллдан, максимал балл – 63 балл;

2-фан – 20 та савол. Ҳар бири учун 3.15 баллдан, максимал балл – 63 балл.

Жами тўплаш мумкин бўлган балл – 126 балл.

2021–2022-ўқув йили қабулида абитуриентларга 5 та фан бўйича жами 70 та тест топшириғи берилади. **Бунда тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 189 баллни ташкил этади.**

ЎзА

УШБУ СОНДА:

QONUN YANGI TAHRIRDA

ЯГОНА ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ

BEKTEMIRDA O‘RGANISHLAR DAVOM ETTIRILDI

QONUN YANGI TAHRIRDA

Adliya vazirligi tomonidan mamlakatda qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, litsenziyalash va ruxsat berish tartib-taomillarini tubdan takomillashtirishga qaratilgan va ilg‘or xorijiy tajriba asosida ishlab chiqilgan “Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor qilish tartib-taomillari to‘g‘risida”gi qonun yangi tahrirda qabul qilindi.

Qonun bilan joriy etilayotgan asosiy yangiliklar va afzalliklar quyidagilardan iborat: qonun ma’nan eskirgan va tarqoq holdagi amaldagi qonunchilik hujjatlarini unifikatsiya qilish va to‘g‘ridan-to‘g‘ri amal qiluvchi qoidalarni belgilashga qaratilgan. (Ma’lumot uchun: qonun qabul qilinishi munosabati bilan ushbu sohaga oid 2 ta Qonun, 1 ta Oliy Majlis qarori, 2 ta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Qarori, 100 ga yaqin Hukumat qarorlari o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilmoqda) qonun bilan 49 ta litsenziyalar, 120 ta ruxsat berish hujjatlari hamda 33 ta xabarnomalarning yakuniy ro‘yxatlari tasdiqlanmoqda. Vakolatli organni xabardor etish orqali faoliyatni amalga oshirish bilan bog‘liq mutlaqo yangi mexanizm ilk bor joriy etilmoqda.

Shu bilan birga, 2021 yil 1 yanvardan boshlab haftaning istalgan kuni 24 soat davomida yuridik shaxslar tomonidan “Yong’inni avtomatik tarzda o’chirish va yog‘in signalizatciyasi qurilmalarini montaj qilish, sozlash, ta’mirlash hamda ularga tehnik xizmat ko’rsatish” faoliyatini boshlash huquqini beruvchi QR-kodga ega tasdiqnomalarni license.gov.uz “Litsenziya” axborot tizimida onlayn tarzda rasmiylashtirish amaliyoti yo‘lga qo‘yildi.

Natijada ushbu faoliyatni boshlash uchun ariza va boshqa hujjatlarni qog‘oz ko‘rinishida qabul qilish, litsenziyalarni maxsus blankalarda berish hamda davlat bojini undirish tartibi bekor qilindi.

Endilikda litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor etish tartib-taomillaridan o‘tish faqat “Litsenziya” axborot tizimi orqali elektron tarzda amalga oshirilishi qat’iy belgilandi. Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor etish xususiyatiga ega hujjatlar qaysi holatlarda sud tomonidan hamda qaysi holatlarda vakolatli organ tomonidan bekor qilinishining aniq chegaralari belgilanmoqda. Litsenziyalash, ruxsat berish va xabardor etishga doir talablar va shartlarga rioya etilishini tekshirish tartibi yanada takomillashtirilmoqda.

Bunda:

– maxsus elektron tizim yordamida masofaviy nazorat, jismoniy va yuridik shaxslar faoliyatini joyiga chiqqan holda tekshirish, shuningdek ularning faoliyatiga oid statistik axborot va ulardan so‘rab olingan ma’lumotlarni tahlil qilish orqali;

– “xavfni tahlil etish” tizimi va jamoatchilik nazorati sub’ektlarining murojaatlari asosida amalga oshiriladi.

Yuridik shaxslar tomonidan litsenziyasiz, ruxsat berish xususiyatiga ega hujjatsiz va vakolatli organni xabardor etmasdan tegishli faoliyatni amalga oshirganda ularga nisbatan jarima solish instituti joriy etilmoqda.

Bunda:

– jarima bir oyda ixtiyoriy to‘langanda uning 70foizi undirilishiga oid rag‘batlantiruvchi norma;

– jamoatchilik nazorati subyektlariga ularning qonun buzilishiga oid murojaatlari asosida undirilgan jarimaning 10 foizi miqdorida pul mukofoti berilishi belgilanmoqda.

Mazkur Qonun tadbirkorlik sub’ektlariga keng qulayliklar yaratib, sohadagi byurokratik to‘siqlar, korrupsiyaviy omillar va davlat organlarida qonun buzilishi holatlarini bartaraf etishga, litsenziyalash va ruxsat berish bilan bog‘liq barcha jarayonlar to‘liq raqamlashtirilishi orqali ularning shaffofligi ta’minlanishiga, litsenziyasiz, ruxsatnomasiz va vakolatli organni xabardor etmasdan faoliyatni amalga oshirilishining oldi olinishi va yuridik shaxslarning mas’uliyati yanada oshishiga xizmat qiladi.

FVV Yong‘in xavfsizligi va favqulodda vaziyatlar muammolari ilmiy-tadqiqot instituti.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Президент маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Исломов раҳбарлигидаги республика ишчи гуруҳи таркибида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори, генерал-майор Шуҳрат Узоқовнинг Наманган вилояти бўйлаб оммавий сайёр қабуллари Учқўрғон, Косонсой, Чуст туманлари ва Наманган шаҳрида бўлиб ўтди.

Хусусан, вилоятнинг Чуст туманидаги “Бибиона” зиёратгоҳида карантин қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда соат 9:00 дан бошланган қабулда Чуст, Поп, Тўрақўрғон ва Мингбулоқ туманларидан келган фуқароларни қийнаб келаётган муаммолари тингланиб, ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Вилоятда уч кун давом этган оммавий қабул жараёнида фуқаролардан тергов ва суриштирув, суд қарорлари, суд қарорларининг ижроси, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари, ижтимоий-иқтисодий масалалар, уй-жой, моддий ёрдам, қурилиш, коммунал ва бошқа соҳалар бўйича жами 111 та мурожаат келиб тушди.

Мурожаатларнинг 8 таси жойида ҳал қилинган бўлса, 21 та мурожаат юзасидан тушунтириш берилди, 82 та масала бўйича мурожаатлар қўшимча ўрганишларни тақозо этгани сабабли ижро учун назоратга олинди.

Шунингдек, оммавий қабуллар якуни бўйича мутасадди раҳбарларга назоратга олинган ҳар бир мурожаатни ўз вақтида қонун доирасида кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилди.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия подполковниги.

Инсон ҳуқуқлари олий қадрият

Ҳар бир фуқаро эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг таъминланиши демократик давлатнинг муҳим белгиларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида кафолатлайди. Шу маънода ҳаёт талабларидан келиб чиқиб, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмоқда.

Президентимиз томонидан 2021 йил 8 февралда имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонунни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Конституцияга киритилган ўзгартишларга кўра, Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборатлиги белгиланди.

Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ҳамда фуқароларнинг одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этиш белгиланди.

Аҳамиятлиси, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судларни ташкил этиш, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судларини тугатиш, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари сақлаб қолиниши назарда тутилди. Асосий қонунимизга киритилган ўзгартишлар суд тизимини бошқариш масалаларини такомиллаштириш билан бир қаторда, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам бериб, уларнинг муаммоларини бир жойда ҳал қилишга имкон беради.

Дарҳақиқат, янгиланаётган Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш ва инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдир. Асосий қонунимизда белгиланишича, демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳар томонлама камол топтириш Конституциянинг асосий ғоясига айлантирилган. Зеро, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги ҳамма нарсадан устун.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларимизнинг Конституцияда белгиланган эркинликларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

Рустамжон РАҲМОНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди судьяси.

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

Жорий йилнинг 23 июль куни "Қамчиқ" махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармасида "Диний экстремизм, терроризм мазмун-моҳияти ва унинг келиб чиқиш сабаблари" мавзусида маънавият ва маърифат дарси бўлиб ўтди.

Унда Ангрен шаҳар "Облиқ" жоме масжиди имом ноиби Нуриддин қори Кушбаев иштирок этиб, бошқарма шахсий таркибига бугунги кунда дунё ҳамжамиятида содир бўлаётган турли хил воқеалар ва уларнинг келиб чиқишининг асл сабаблари ҳақида гапириб ўтди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда мудҳиш ва қабиҳ ният билан уюштирилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида ўнлаб бегуноҳ инсонлар ҳалок бўлди. Қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди. Аввало, Аллоҳнинг ўзи юртимизни асради, қолаверса, тинч, осуда ҳаётимизни ҳимоялаш, сақлаш учун ўзининг азиз жонини берган фидойи инсонлар жасорати туфайли бунга йўл қўйилмади. Ўнлаб, балки юзлаб юртдошларимизнинг ҳаётлари сақланиб қолинди, ёвуз террорчилар ўз уясида янчиб ташланди. Бу ёвуз ҳаракатлар кимга қарши ва нимага қарши қаратилган ва уларнинг охир-оқибат мақсади нима?

Битта нарса ҳаммамизга аён бўлиши керак, бу кирдикорларни кўр-кўрона бажарган, онги паст, мияси заҳарланган ижрочилар бор. Шунингдек, буларни уюштириб, ўз халқига қарши йўллаган ташкилотчи ҳамда раҳнамолар ҳам борки, уларни бир-биридан ажратиш, ҳар қайсига алоҳида баҳо бериш зарур.

Фақат мана шундай кўз билан қараб, бу воқеаларнинг таг-томирига етиб боришимиз, Ўзбекистонни, унинг мақсад муддаоларини кўролмайдиган, кўп йиллардан буён юртимизга қарши қўпорувчи-террорчилик ҳаракатларини олиб бораётган кучлар ва марказларни, уларнинг разил қиёфасини ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз, узоқни кўзлаган манфур ниятларни тушунишимиз мумкин. Барчамизга аён бўлиши керакки, ғанимларимизнинг нияти – Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳитини, бугун биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кираётган давлатимизни ағдариш, танланган йўлимиздан қайтаришдир. Одамларимизнинг юрагига ваҳима ва қўрқув солиш ҳисобидан уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини йўқотиш, бир-бирига қарши қўйиш, юртимизда, минтақамизда ўз сиёсатини ўтказишдан иборат.

Булар ўз мақсадларига эришиш учун одамларни, аввало, содда, билими ва ҳаёт тажрибаси паст кишиларнинг онги ва тафаккурини чалғитишга уринади. Уларни муқаддас динимизга, унинг асл қадрияти ва бойликларига бўлган қизиқиш ва интилишларидан ғаразли ниятларда фойдаланади. Бундай мараз ва қабиҳ ниятли кучлар ва марказлар жуда чуқур ўйланган, катта маблағ билан таъминланган, узоқни кўзлайдиган дастур ва режаларга, энг замонавий восита ва имкониятларга эга. Улар ўзининг таъсирига тушган кишиларнинг миясини заҳарлаш мақсадида ҳеч қандай соғлом ақлга сиғмайдиган бузғунчи ақида ва ғоялар, шу жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» оқимида кенг тарқалган халифалик қуриш даъватларини ишлатадилар.

Ҳаммамизга маълум, тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган афсона, десак асло хато бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси ўта содда, керак бўлса, барча уйдирмаларга лаққа тушадиган одамларга қаратилган ва буни тушуниш қийин эмас.

Аввалambор, улар ёшларни ўз таъсирига олади, онгини заҳарлайди. Ақл-ҳушини йўқотган мана шундай одамларни тайёрлаб, қўлига қурол беради. Уларни ўз Ватанига, вояга етказган эл-юртига қарши қўяди.

Лекин террорчилик ҳаракатлари мана шундай ақидалар найзасининг заҳарли бир учи, холос. Биринчи галда, террорчиларни тайёрлайдиган заминга, ғояга, мафкурага эътибор бериш, шуларга қарши курашиш керак. Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунида мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз қурол билан эмас, ғоя билан курашишимиз зарур. Бизнинг ғоямиз кучли бўлиши лозим.

Шу ўринда Ислом дини ва унинг оқимлари хусусида фикр билдириш мақсадга мувофиқдир. Ислом дини жаҳондаги энг ёш динлардан бўлиб, у олтинчи асрда Арабистон ярим оролида, ҳозирги Саудия Арабистонида пайдо бўлган. Ислом сўзи «итоат», «ихлос» ва «омонлик» маъноларини англатади. Ислом дини таълимоти унинг муқаддас китоби – Қуръонда баён этилган. Қуръон Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан 23 йил давомида бобма-боб, оятма-оят, бўлиниб-бўлиниб нозил бўлган. Муҳаммад пайғамбар кўрсатмаси билан Қуръон Зайд ибн Собит томонидан тўпланиб, 632 йили унинг биринчи ёзма матни яратилган. Қуръонда 114 та сура мавжуд. Суралар оятларга бўлнади.

Маърифат дарсимиз сўнггида, ҳар бир фуқаро доимо сергак ва ҳушёр туриши кераклиги айтиб ўтилди.

Б.ХОЛИҚОВ,
"Қамчиқ" МҚЁҚБ КТваМИБ бошлиғи,
капитан.

ЧЎМИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

Ҳаво ҳарорати кўтарилиб, кунлар исиши билан кўпчилик асосан салқин жойларга, сув ҳавзалари, хусусан, дарё, канал ва сойлар томон ошиқади. Сув бор жойда эса, ўз-ўзидан чўмилишга эҳтиёж туғилади. Тўғри, чўмилиш яхши, инсон организмини чиниқтиради, саломатликни мустаҳкамлайди.

Бироқ бу ўринда чўмилиш хавфсизлиги, маданияти, қонун-қоидаларига риоя қилинса, нур устига аъло нур бўлади. Чунки сўнгги пайтларда аҳолининг белгиланмаган ва тақиқланган жойларда чўмилиши оқибатида ҳаёт учун ғоят хавфли ҳодисалар рўй бермоқдаки, бундай салбий ҳолатларнинг қайд қилиниши ҳар биримиздан огоҳ ва сергак бўлишни талаб қилади.

Ёз мавсумида сув ҳавзаларида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, турли бахтсиз ҳодисалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасида жойларда тушунтириш ишларини олиб бориш барча учун бирдек муҳим вазифа ҳисобланади.

Сув ҳавзаларининг ҳаммаси ҳам чўмилиш учун яроқли эмас, шу сабабли аҳоли чўмилиш чоғида саломатлигига зарар етишидан муҳофазаланиши керак. Чўмилиш сув ҳавзаси унга ташқи зарарли таъсир ва омиллардан холи бўлиши шарт. Чўмилиш ҳавзалари ёнида кир ювиш, мол боқиш, заҳарли дорилар, минерал ва органик ўғитлардан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўмиш ҳамда ҳавзага чиқиндилар ташлаш, оқова сувларни оқизиш мумкин эмас.

Қолаверса, чўмилиш ҳавзалари инсон соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар, тез айнийдиган маҳсулотлар, сув ҳашаротлари, темир-терсак, шиша қолдиқларидан холи бўлиши керак. Акс ҳолда нохушликлар юз бериши муқаррар. Шу боис чўмилиш сув ҳавзаларининг санитария-гигена ҳолати ҳар доим назоратда бўлиши шарт.

Тезоқар сувда, узоқ вақт тўпланиб қолган ёки узоқ вақт суви алмаштирилмаган сувда чўмилиш хавфли. Шунингдек, ҳавзанинг ён-атрофи санитария-гигиена талабларига жавоб бериши шарт. Турли ўт-ўлан билан қопланган сув бўйлари, ўпирилиш эҳтимоли бор қирғоқларда ҳам чўмилиш тақиқланади.

Ҳар бир ота-она, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотлари ходимларининг чўмилиш жойларидаги тартиб-қоидаларни назоратга олиши, айниқса, болаларнинг сув ҳавзаларида чўмилишига эътибор қаратиши ёзги дам олишнинг фойдали ва кўнгилли ўтишига асос бўлади.

Ёз фаслида кўпроқ ёш болаларнинг энг севимли машғулоти – чўмилишдир. Лекин сув катта-ю кичикка бирдек хавф туғдиришини унутмаслик лозим. Айниқса, болаларни сув ҳавзаларининг олдида бир сонияга ҳам қаровсиз қолдириш мумкин эмас. Болаларга чўмилиш вақтидаги хавфсизлик қоидалари катталарникидан кўп ҳам фарқ қилмайди. Асосийси, ҳар қандай сув ҳавзаси бўлишидан қатъи назар, болага бир ўзи чўмилиши мумкин эмаслигини тушунтириш лозим. Шунингдек, фарзандингизни бегоналар ёки ўзи каби ўйинқароқ ака-укаларига ишониб қолдирманг. Сув ичига шўнғишига йўл қўйманг, агар унинг қулоғига сув кириб кетса, жиддий хасталикларга сабаб бўлиши мумкин. Белгиланган чегарадан ўтмаслик, баландлик (кўприк)дан сакрамаслик, нотаниш жойда чўмилмаслик керак.

Болаларга дўстлари билан сувда бир-бири билан ҳазиллашиб, чўктириш ҳамда оёғидан тортиш каби ишларни қилмасликни алоҳида уқтиринг. «Чўмилиш тақиқланади!» деган ёзувлар бежиз эмаслигини тушунтиринг.

И.ҲАМРОБОЕВ,
Андижон вилояти ФВБ
ҲФХЎМ катта ўқитувчиси.

ЯГОНА ТИЗИМ ФАОЛИЯТИ

Касби туманида ФВДТ хизматлари ўртасида "Вилоят ҳудудида фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш бўйича ягона тизим фаолияти самарадорлигини ошириш" мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Унда Қарши, Шаҳрисабз шаҳар ва туманлар ФВ бўлим бошлиқлари ва йўналишга масъул бўлган ходимлар ҳамда фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш Ягона тизим таркибига кирувчи ташкилот, идора ва муассасалар мутахассислари иштирок этишди.

Семинар давомида бўлим бошлиқлари ва йўналишга масъул бўлган ходимлар ҳамда Ягона тизим таркибига кирувчи ташкилот, идора ва муассасалар мутахассислари томонидан "Туманда фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори мазмунмоҳияти тўғрисида маърузалар ўқилди.

Маърузачилар томонидан семинар иштирокчиларига фавқулодда вазиятлар мониторингини юритиш ва уларни олдиндан башорат қилиш бўйича ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги қарори ва ушбу қарор билан тасдиқланган Низомнинг мазмун-моҳияти, фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш Ягона тизимининг асосий вазифалари, Ягона тизим таркибига кирувчи ташкилот, идора ва муассасалар ўртасида ўзаро маълумот алмашиш тартиблари тўғрисида батафсил тушунчалар берилди.

Семинарда вилоят ФВБдан 35 нафар, 4 та техника, Ягона тизим таркибига кирувчи ташкилот, идора ва муассасалар мутахассисларидан 62 нафар, жами 97 нафар иштирокчи қатнашди.

Ш.БОБОНОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ ходими, подполковник.
Ч.ШОДИЕВА, хизматчи.

КЎПКУРАШ МУСОБАҚАСИ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказда таҳсил олаётган тингловчилар ўртасида кўпкураш спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Марказда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Асосий мақсад — малака ошириш ва бошланғич курс тайёргарлигидан ўтаётган Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчи ва хизматчилари билан ўқув йиғини давомида фанлардан олган назарий, амалий билимларини янада мустаҳкамлаш ҳамда жанговар ва жисмоний тайёргарликларини такомиллаштириш ва тингловчилар ўртасида соғлом муҳитни тарғиб қилишдан иборат. Кўрик-танловни очган марказ бошлиғи, полковник, С.Аҳмедов иштирокчиларга мусобақа шартларини бажаришда омад тилади.

Улар бешта шарт бўйича куч синашдилар. Кўрик-танлов якуни бўйича турникда тортилишда тингловчи С.Миртурсунов, 100 метр масофага югуришда оддий аскар Б.Зиёдуллаев, 24 кг. тошни кўтарида тингловчи Ф.Темиров, армрестлинг куч синашишда оддий аскар С.Тўйчиев ҳамда арқон тортишда 2-взвод жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Кўрик-танлов натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эришган тингловчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Ш.МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш Маркази бўлинма катта офицери, капитан.



МАШҒУЛОТЛАР САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг 2021 йил 21 январдаги "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича 2020 йилда бажарилган тадбирлар якуни ва 2021 йилдаги вазифалар тўғрисида"ги буйруғи билан тасдиқланган "Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтини 2021 йилда тингловчилар билан жамлаш режаси" асосида 1,5 йил давомида Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институтида жами 25 нафар раҳбар ходим ҳамда Жиззах вилояти ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказини тингловчилар билан бутлаш режасига асосан 22 та тоифадаги турли соҳадан жами 1231 нафар тингловчилар иштирокида ўқув курслари ташкиллаштирилди. Унда "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фуқаро муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлиги йўналиши" бўйича 30 соатлик назарий, амалий ўқув машғулотлари ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги қонунлари ҳамда ҳамкорлик шартномасига асосан жами 72 нафар ишчи-ходимлар ўртасида "Фуқаро муҳофазаси" ва "Ҳаёт фаолият хавфсизлиги" бўйича 15 соатлик назарий, амалий кўчма машғулотлар ўтказилди.

Ўқув машғулотлар аҳоли ва ҳудудларни табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, улар содир бўлганда тезкорлик билан тўғри ҳаракат қилишга, оқибатларини бартараф этишга қаратилди.

Ўқув курси машғулотлари интерфаол усуллар тарзида ишчи дастурига мувофиқ ва ахборот технологиялар хавфсизлиги, карантин қоидаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилди.

Ўқув курслари давомида ФМ тузилмалари шахсий таркибига доимий тайёргарлигини таъминлаш ҳамда соҳа бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан услубий ёрдам кўрсатилди.

Ўқув дастурини тўлиқ ўзлаштирган ва ўтилган мавзулар юзасидан якуний тест синовларни муваффақиятли топширган тингловчиларга ўрнатилган тартибда гувоҳнома топширилди.

Ф.РАҲМОНҚУЛОВ,
Жиззах вилояти ФВБ ҲФХЎМ бошлиғи, майор.
Б.ҚОБИЛОВ,
марказ ўқитувчиси.

Maslahatchi minbari

BEKTEMIRDA O‘RGANISHLAR DAVOM ETTIRILDI

Ma’lumki, bugungi kunda mamlakatimizda davlat tili to‘g‘risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishini ta’minlash, davlat tilining nufuzi va maqomini oshirish borasidagi tadbirlar qizg‘in pallaga kirmoqda. Amaldagi hujjatlar talablariga ko‘ra 2021-yilning 1-avgust kuniga qadar nomlar, atamalar, peshlavhalar, reklama va e’lonlar, ommaviy targ‘ibot vositalari va ish qog‘ozlarining lotin yozuviga asoslangan o‘zbek tilida bo‘lishini ta’minlash belgilangan.

Shunga ko‘ra, joriy yilning 26-iyul kuni FVVga biriktirilgan hudud – Toshkent shahar Bektemir tumanida vazir maslahatchisi, tuman hokimi maslahatchisi O.Sapayev, tuman FV bo‘limi inspektori M.Artikov hamda tegishli xizmatlar vakillari ishtirokida savdo, ishlab chiqarish, maishiy xizmat ko‘rsatish obyektlarining peshlavhalari, tashqi e’lon va reklamalarning davlat tili to‘g‘risidagi qonun hujjatlariga muvofiqligini o‘rganish tadbirlari amalga oshirildi.

O`rganish davomida o‘zga tillardagi, shuningdek, talabga javob bermaydigan 15 ga yaqin peshlavha va reklama matnlari bartaraf etildi. Ularning ayrimlariga matnlarni davlat tili talablariga muvofiqlashtirish yuzasidan muddat belgilandi.

Amaliy ishlar jarayoniga tegishli xizmatlarning maxsus texnikalari va mutaxassislari jalb etildi.

Bahodir VALIYEV,
Favqulodda vaziyatlar vaziri maslahatchisi.

ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

“Қамчиқ” қутқарув отряди навбатчи-диспетчери хизматчи С.Ашуралиев берган маълумотига кўра А-373 М-39 Гулистон-Бўка-Ангрен-Қўқон ва Андижон орқали – Ўш автомобиль йўлининг 234 км.да Тошкент-Водий йўналишида тўхтаб турган "Нексия" русумли д/р 60/Z101AA автомашина йўловчиси, 2002 йилда Самарқанд вилоятида туғилган фуқаро А.Ж. йўлнинг чекка қисмида эҳтиётсизлиги сабабли тахминан 50-60 метр пастликка тушиб кетган.

Натижада турли хил (бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, тана соҳасининг шилиниши) тан жароҳатлари олган.

Воқеа жойига зудлик билан “Қамчиқ” ҚОдан капитан Р.Алимов бошчилигида 4 нафар қутқарувчи махсус автомашинада, Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари ҳамда ТТЁ ходимлари ҳамкорлигида йўловчини пастликдан олиб чиқиш ишларини амалга оширган ва Наманган вилояти Поп тумани марказий шифохонасига юборилган.

М.МИНГБОЕВА,
“Қамчиқ” МҚЁҚБ ОАВ ва ЖТБИБ етакчи мутахассиси.

СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Спорт жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, тарбия воситаси ва усули, жисмоний машқларнинг турли мажмуалари бўйича мусобақалар ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш тизими. Спортнинг мақсади кишиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва умумий жисмоний ривожлантириш билан бирга спорт мусобақаларида юқори натижа ва ғалабаларга эришишдан иборатдир.

Ҳозири кунда мамлакатимизнинг деярли барча соҳаларида ишчи-хизматчиларни жисмоний чиниқтириш мақсадида турли спорт мусобақалари ўтказиш учун шароитлар яратилган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимида ходимларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун барча зарур шароитлар яратилган. Яқинда Самарқанд вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳарбий хизматчилари ўртасида ташкил этилган спорт тадбири фикримизнинг яққол далилидир. Мазкур тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг турникда тортилиш, 100 метрга ҳамда 3000 метрга югуриш шартлари бўйича жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилди.

Илҳомжон БОҚИЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, лейтенант.

Қурилишларда меъёрий қоида талабларига амал қилайлик!

Аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, турли соҳаларда фуқароларга қулайликлар яратиш учун юртимизда қатор хайрли ишлар олиб борилмоқда. Биргина 2021 йилнинг ўзида Тупроққалъа туманида ёш авлод учун 10 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 5 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. 4 та умумтаълим мактаб бинолари капитал таъмирланиб, қайта жиҳозланди.

Қанчадан-қанча савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этилди. Бундан ташқари, 3 та кўп қаватли замонавий турар жой бинолари қурилиб аҳолига топширилди ва 3 та 5 қаватли замонавий турар жой биноларини қуриб битказиш арафасида турибди. Бир сўз билан айтганда, бу хайрли ишларнинг замирида аҳолининг розилигини олиш ётади.

Ҳеч кимга сир эмаски, сўнгги кунларда айрим янги қурилаётган биноларда содир бўлаётган кўнгилсиз ҳодисалар (бинонинг қулаши, чақнаш ҳодисалари) барчани чуқур ўйга солади. Қурилишларда содир бўлаётган кўнгилсиз ҳодисалар сабабини таҳлил қиладиган бўлсак, буюртмачи ва қурувчи ташкилот ишчи-ходимларининг ўзбошимчалик билан қурилиш лойиҳасида кўрсатилган талаблардан четга чиқиш, ёнғин хавфсизлиги талабларини қисман бажариш ёки умуман бажармаслик, биноларни иситиш ва шамоллатиш тизимларига қўйилган талабларни бажармаслик, фойдаланилаётган қурилиш материалларининг сифатига эътибор бермаслик каби бир қатор ҳолатлар аниқланмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган кўнгилсиз ҳодисалар туманимизда ҳам содир бўлишининг олдини олиш мақсадида Тупроққалъа туман ФВ бўлими Норматив-техника бўлинмаси томонидан қурилиш раҳбарлари ҳамда қурувчилар ўртасида шаҳарсозлик нормаси ҳамда қурилиш меъёрий қоидаларга, шунингдек, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш борасида профилактик-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мақсадимиз фуқароларимизнинг мол-мулкини, ҳаётини турли хил фавқулодда ҳолатлардан асрашдан иборат!

Самандар САМАНДАРОВ,
Тупроққалъа туман ФВ бўлим НТБ бошлиғи, лейтенант.

ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ВАЗИЯТЛАР

Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар содир бўлганда ҳосил бўладиган заҳарли газлар ичида инсон ҳаётига энг катта хавф соладигани ис гази ҳисобланади. Бу газ рангсиз, ёнганда кўк аланга бўлиб, углерод 2 оксидига (СО) айланади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу газ нафас олганда ўпка орқали қонга таъсир қилади, натижада реакцияга киришиб, турғун карбоксигемоглобин моддасини ҳосил қилади. Ҳосил бўлган модда ўз навбатида мураккаб гемоглобин молекуласининг табиат томонидан ўпкадан тўқималарга кислород ташиш, қайтишда эса карбонад ангидрид моддасини ўпкага олиб келиш учун мослаштирилган қисмига жойлашиб олади.

СО моддаси билан гемоглобин моддасининг бирикиши натижасида карбоксигемоглобин моддасининг парчаланишидан ҳосил бўлган заҳарли моддаларнинг қондан чиқиб кетиш жараёни бузилади. Бунинг натижасида тўқималарга кислород келиши ва қондаги зарарли моддаларнинг ўпкадан ажралиб чиқиш жараёни бузилади. Оқибатда қон таркибида ва тўқималарда кислород танқислиги келиб чиқади, бу эса ўз навбатида ҳушдан кетиш ёки ўлимга олиб келади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, ис газининг озгина миқдори ҳам организмга салбий таъсир қилади, чунки газ организмда йиғилиб, унинг ҳимоя реакциясини тўхтатиб қўяди. Одатда одам заҳарли газ билан нафас олаётганини сезмаслиги мумкин, аммо орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин бош оғриғи, кўришнинг заифлашиши, бош айланиши, кўнгил айниши кузатилади. Агар заҳарланган киши зудлик билан хонадан олиб чиқилмаса, бу ҳол ўлим билан тугаши мумкин. Заҳарланган одамга кислород ёстиқчаси ёрдамида кислород бериш тавсия этилади, оёқлар тагига иситгич қўйилади ва у зудлик билан шифохонага юборилади. Агар кучсиз заҳарланиш содир бўлса, жабрланувчига нашатир спирти ҳидлатилади, иссиқ чой, кофе берилади.

Инсон саломатлиги энг муҳим омиллардан биридир. Шу сабабли уйда ёки ишда бўлишимиздан қатъи назар, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишимиз лозим. Шундагина ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўламиз.

Н.КАРИМОВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ходими, катта лейтенант.
Ж.АННАЕВ,
бўлим инспектори, катта лейтенант.

КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ

Бугунги кунда коронавирус инфекциясининг тарқалиб бораётгани барчамизни ташвишга солмоқда, мамлакатимизда ҳам касалланганлар сони кам эмас. Бундай ҳолатларда ҳар бир киши, аввало, ўз соғлиғини ўйлаши, ўзини асраши керак.

Бунинг учун, карантин қоидаларига риоя қилиш шарт ва зарур. Яъни, тиббий ниқобларсиз кўчага чиқмаслик керак. Кўчага чиққанда, албатта, ёнингизда антисептик воситалар бўлиши, ҳамроҳларингиз билан масофа сақлаган ҳолда мулоқотга киришиш, иложи борича ўзингизни яккалашингиз керак. Кўчадан қайтиб келганда дарҳол кийимларингизни алмаштириб, ювинишингиз, айниқса, қўлларингизни ва юзингизни совунлаб ювишингиз шарт ва зарур. Ўзингизни асранг, ана шунда ўзгаларни ҳам асраган бўласиз. Сизга вирус юққудек бўлса, ёнингиздагиларга юқмайди, деб кафолат беролмайсиз. Демак, сақланишингиз, карантин қоидаларига риоя қилишингиз керак. Шу йўл билан ўзингизни асранг. Карантин қоидаларига риоя қилиш инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эгадир. Антисептик воситалардан фойдаланиш, доимо ниқоб тақиб юриш эсингиздан чиқмасин.

Д.САФАРОВ,
Хоразм вилояти ФВБ "UzAuto Motors"АЖ объекти биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинмаси инспектори, катта лейтенант.

Техникалар билан ишлаганда
хавфсизлик назорати

Ҳозирги ахборот асрида барча соҳалар замонавий русумдаги ахборот-телекоммуникация воситалари билан жиҳозланмоқда. Мазкур мураккаб тизимли техникаларнинг электр энергияси асосида ишлашини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу аппаратлар билан ишлашда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш нечоғлик аҳамиятга эга эканлигини яққол тасаввур қилиш мумкин.

Сир эмаски, телерадио тизимида электр ёриткичлар, овоз кучайтиргичлар, суратга олиш ва монтаж аппаратуралари ва яна бошқа техник воситалардан фойдаланилганда, уларнинг иш тартибига риоя этиш, ишчи ҳолатини назорат қилиш, ўтказгичларнинг яроқлилик муддатини эътиборга олиш, иш якунида аппаратураларни электр манбаидан узиш каби бир қатор тартиб-қоидаларни назарда тутиш лозим.

Аппаратураларда турли носозликларнинг қайд этилиши, ўтказгичларнинг қизиб кетиши натижасида қисқа туташув ҳолатларининг юзага келиши ва уларнинг ўз вақтида бартараф этилмаслиги оқибатида қисқа муддатда катта ёнғин ҳодисаси юзага келиши мумкин. Хатарлиси шундаки, бу каби ҳолатларда ёнғинлар нафақат хонадонлар, балки давлат мулки ҳисобланган жиҳозларни ёндириб, бир сиқим кулга айлантириши муқаррар.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар биримиз ахборот-коммуникация воситалари билан мулоқотда бўлган чоғимизда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишимиз лозим. Техникалар билан ишлаб бўлгандан сўнг уларни манбадан узиш, техник ҳолатини яна бир карра назоратдан ўтказишимиз лозим. Шундагина кутилмаган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўламиз.

Раҳматилла ИСМАТИЛЛАЕВ,
ЎзМТРК ЁХТТЭБ ЁНваПБ бўйича мутахассиси, оддий аскар.

Сув бебаҳо табиий бойлик ҳисобланиб, инсонлар ҳаётида муҳим ўрин тутади. У барча тирик жонзотлар, ўсимликлар, она заминга ҳаёт бахш этади. Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, кунларнинг исиб бориши билан табиийки, инсонлар ҳордиқ чиқариш мақсадида салқин жой излаб, сув ҳавзалари томон отланадилар.

ЧЎМИЛГАНДА ҲУШЁР БЎЛИНГ

Маҳалла ҳудудларидан оқиб ўтувчи анҳорлардаги кучли сув оқими ҳеч кимга бўйсунмайди. Чўмилиш болалар ва катталар учун чиниқишнинг асосий омили ҳисобланади. Чўмилишга келган инсон табиат билан яккама-якка мулоқотда бўлади. Сузишни билган одам ариқ, кўл, дарёда масза қилиб чўмилиши мумкин. Аммо, баъзилар сузиш қоидаларига риоя этмайди ёки сузишни билсада, сувнинг чуқурроқ жойига бориб қолганда пала-партиш ҳаракатлар билан чарчаб қолади ва чўкиш эҳтимоли юқори бўлади.

Чўмилиш масаласида доимо ҳушёр бўлиш мудҳиш ҳолатларнинг олдини олади. Агар сувнинг ҳарорати 16 градусдан паст бўлса, чўмилмаслик керак. Сувга тушишдан олдин бош, кўракни ҳўллаб, сўнг шўнғиб олиш зарур. Фақат қутқарув хизмати бўлган жойлардагина чўмилишга рухсат этилади. Агарда бахтсиз ҳодиса юз берса, бирор инсон чўкса, қутқарув хизматининг "1050" рақамига хабар бериш лозим.

Чўкиш нафас йўлларининг сув ва бошқа суюқликлар билан тўлиб қолиши оқибатида юзага келади. Чўкаётган одамни сувдан олиб чиқиш ҳам катта маҳорат талаб этади. Бунда бир неча қутқариш усуллари мавжуд. Улардан бири – чўкаётган кишига орқа томонидан сузиб яқинлашиш, сочи ва қўлтиғи остидан ушлаб, юзини тепага қаратган ҳолда қирғоққа қараб сузиш керак.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш жабрланувчининг аҳволига боғлиқ. У ўз ҳушида бўлиб, юрак фаолияти ва нафас олиши сақланган бўлса, бошини пастга эгган ҳолда қуруқ қия жойга ётқизиш ва шундан сўнг ечинтириб, ҳўл ёки қуруқ сочиқ билан баданини артиш керак. Имконият бўлса, унга иссиқ чой, қаҳва, ёши катта бўлса 1-2 ош қошиқ спиртли ичимлик ҳам бериш мумкин. Иссиқ ичимлик ичиб, иссиқ кўрпа билан ўраш ва дам олдириш лозим.

Агарда жабрланувчининг мустақил нафас олиши йўқолиб, юрак фаолияти сақланиб қолса, унинг нафас йўллари тозаланиб, тезроқ сунъий нафас олдиришга киришилади. Вақтида ва малакали кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Чарчаган бўлсангиз, қорнингиз оч бўлса, спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлсангиз, бу вақтда чўмилмаганингиз маъқул. Чўмилиш борасида ҳушёр бўлиш киши саломатлиги ва хавфсизлигининг гаровидир. Шунинг учун юртимизда мавжуд бўлган чўмилиш ҳавзаларидан фойдаланилганда ҳушёр бўлиш, бу борада маълум қоидаларга амал қилиш ҳамда фарзандларимизнинг тақиқланган жойларда чўмилмаслигини назорат қилиш орқали сувда чўкиш билан боғлиқ турли фавқулодда вазиятларнинг олдини олган бўламиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, ёз мавсумида ғаввос-қутқарувчиларимизнинг масъулияти янада ошади. Бироқ, сувга чўкиб нобуд бўлаётганлар сони анча камайган бўлса ҳам бундай кўнгилсиз ҳолатларга тўла барҳам беришнинг иложи йўқ. Ғаввос-қутқарувчиларимизнинг сувга чўкиб кетаётган кўплаб инсонларни ҳаётга қайтаришга муваффақ бўлаётганлари таҳсинга лойиқдир.

Эргаш БОЗОРБОЕВ,
Қўшкўпир тумани ФВ бўлими ФВДТ ва ФМ бошлиғи, катта лейтенант.

Ёнғин ўчириш автомобилига ЙЎЛ БЕРИНГ

Республикамиз миқёсида жорий йилнинг 15 июлидан 15 августга қадар "Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ойлиги" ўтказилимоқда. Ушбу тадбир аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, фуқароларни ҳушёрликка чорлайди.

Ўтказилаётган кенг қамровли тадбирларга қарамасдан жорий йилнинг 9 июль куни Ўртачирчиқ тумани "Уйғур" МФЙ, Озодлик кўчаси, 2-уйда 14 июль куни Ўртачирчиқ тумани "Ўчоқли" МФЙ, Файзобод кўчаси, 101-уйда содир бўлган ёнғин жойига юборилган экипаж манзил бўйича кетаётган вақтда айрим уқуви йўқ ёки хизмат автоуловларнинг махсус сигнал чироқларига беписанд бўлган ҳайдовчилар томонидан йўл бермаслик, шунингдек, тор кўчаларга автомобилларнинг қолдирилиб кетиши, каби ҳолатларга дуч келган. Бундай ноқулайликлар ва сунъий тўсиқлар эса ёнғин ўчириш автомобилларининг ўз вақтида ҳодиса жойига тезлик билан етиб бориб, ёнғинни бартараф этишига қийинчилик туғдиради.

Кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида йўлга чиққан ҳар қандай хизмат автомобиллари махсус сигнал ва чироқлари ёқилган ҳолда бўлса, ҳайдовчилар уларга дарҳол йўл беришлари керак. Ўз вақтида манзилга етиб борган ёнғин ўчириш автомобиллари шундагина фуқароларнинг ҳаётини, мол-мулкини асраб қолади.

А.БАЙМЕНОВ,
Ўртачирчиқ тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, майор.

ШАРТЛИ ЁНҒИН БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Қашқадарё вилояти ҳокимининг 2020 йил 5 февралдаги "Вилоят ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар оқибатларини махсус хизматлар билан ҳамкорликда бартараф этишни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳамда вилоят ФВБ бошлиғи томонидан тасдиқланган Тезкор бошқарув марказининг 2021 йил 1-чорак иш режаси талабларини бажариш борасида юқори чақириққа киритилган масканларда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва ёнғинларни бартараф этиши "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Қарши ҳарбийлаштирилган қўриқлаш отряди билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш тартибини белгилаш ҳамда бошлиқлар таркибини ёнғин ўчиришга жалб этилган куч ва воситаларни бошқаришни ташкил этишдаги амалий кўникмасини такомиллаштириш мақсадида Қарши минтақавий темир йўл узелига қарашли саралаш парки ҳудудидаги ёқилғи қуйиш шохобчасида содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинни бартараф этиш бўйича намунали амалий тактик машқ ўтказилди.

"Қарши минтақавий темир йўл узели" УКга қарашли саралаш парки ҳудудида турган вагон цистернани ёқилғи билан тўлдириш вақти сиғимларни устки қисмига ёқилғини тўкилди ва ҳавога парланиш вақтида шартли ёнғин содир бўлди. Саралаш парки хизматчилари бундан хабар топиб, зудлик билан "101" қисқа рақами орқали вилоят фавқулодда вазиятлар хизматига хабар берди. Ёқилғи маҳсулотларининг ёниши натижасида чиққан заҳарли газлардан бир нафар хизматчи жабрланди. Хабарни олган Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Тезкор бошқарув маркази ходимлари воқеа жойига етиб келиб, вазиятни ўрганди ва диспетчерлик хизмати орқали 2-чақириқ эълон қилди.

Қарши шаҳридан ёнғин қутқарув автомобиллари ҳамда Қарши ҳарбийлаштирилган поезди қўриқлаш отряди ёнғин ўчиришга жалб этилди. 1-ЁҚҚдан жалб этилган автонарвон ёрдамида сиғим устки қисмидан ҳаво кўпик аралашмаси ёрдамида ёнғинни ўчиришга киришилган бўлса, ёнғин ўчириш поезди қутқарувчилари ёндош сиғимларни совитиш ишларини ташкил этди. Қарши Минтақавий қутқарув отряди қутқарувчилари жабрланган хизматчини хавфли ҳудуддан олиб чиқиб, етиб келган тез ёрдам ходимларига топширди. Қисқа вақт ичида шартли ёнғин жойи ўраб олиниб ёнғин бартараф этилди ҳамда заҳарланган хизматчининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Ўтказилган машқдан асосий мақсад, Қашқадарё вилояти ФВБ, Қарши ҳарбийлаштирилган Қўриқлаш отряди, "Қарши Минтақавий темир йўл узели" УК ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ходимлари юз бериши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишдан иборат эди.

Адҳам МУЗАПОВ,
Қашқадарё вилояти
ФВБ ОЁХТТЭ бўлим
инспектори,
лейтенант.

ҚАМКОРЛИКДАГИ ҲАРАКАТ

Ғузор туманидаги "ШўртанГКМ" МЧЖда вилоят ФВБ, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда "Фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар содир бўлганда объект раҳбарияти, қутқарув тузилмалари ҳамда ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари" мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқи режасига кўра, шартли равишда эълон қилинган ёнғин пайтида туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган йирик корхоналарда юзага келган авария натижасида ҳавога заҳарли моддалар тарқалган бўлиб, амалий босқичда тегишли идора ва ташкилотларнинг фавқулодда вазиятларга тайёргарлиги ҳамда корхона ишчилари ва аҳолининг ҳаракатлари синовдан ўтказилди.

Ўқув машқи якунида мутахассислар томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича иштирокчиларга зарур тавсиялар берилди.

О.ЖУМАЕВ,
"ШўртанГКМ" МЧЖ ОБЁХТТЭБ
бошлиғи
ўринбосари, майор.
Ш.ЖЎРАЕВ,
"ШўртанГКМ" МЧЖ ОБЁХТТЭБ
катта инспектори, майор.

XXI асрда дунёдаги барча мамлакатларда коррупция муаммоси энг долзарб масалалардан бирига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Маълумки, коррупцияга қарши кураш бўйича қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинган. Улардан асосийси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясидир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси ушбу конвенцияга 2008 йилда қўшилган. Конвенциянинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган самарали ва таъсирчан чоралар қўллаш, шу жумладан, давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш ва жиноятчиларни топшириш тартибини ўрнатиш ва амалга оширишда ёрдам бериш;

коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, қамоққа олиш, мусодара қилиш ва активларни қайтариб беришда халқаро ҳамкорлик ва техникавий ёрдамни қўллаб-қувватлаш, осонлаштириш ҳамда рағбатлантириш;

аъзо давлатларда ҳалоллик ва пок виждонлиликни, масъулиятни, давлат ва жамоат ишларини тўғри бошқариш ҳамда уларнинг мулкидан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши кураш бўйича бир қатор ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, Канада, Франция, Нидерландия, Россия томонидан норматив тусдаги ҳужжатлар қабул қилинган.

Хусусан, АҚШда қабул қилинган «Давлат бошқаруви хизматчилари ва амалдорларининг одоб-ахлоқ принциплари», «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги, «Бошқарув муассасаларининг этикаси тўғрисида»ги қонунлар Францияда қабул қилинган «Давлат хизматининг бош мақоми» каби ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, БМТ доирасида қабул қилинган 1996 йилдаги резолюцияси билан тасдиқланган «Давлат мансабдор шахсларининг халқаро хулқ-атвор кодекси»да давлат мансабдор шахслари фаолиятининг принциплари белгилаб берилган.

Мамлакатимизда ҳам 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун коррупцияга барҳам бериш учун барча асосларни яратиб берди.

Шуни яна алоҳида қайд этиш лозимки, Европа Иттифоқи доирасида коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор ҳужжатлар қабул қилинган. Булардан асосийлари – «Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида»ги ва «Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида»ги конвенциялардир.

Коррупция БМТ ҳужжатларида қуйидагича таърифланган:

1) мансабдор шахслар томонидан давлат мулкини ўғирлаш, талон-тарож қилиш ва ўзлаштириш;

2) ноқонуний фойда олиш учун ўз хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш;

3) ижтимоий бурч ва шахсий тамагирлик, манфаатлар ўртасидаги зиддият.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, XXI асрда коррупция жинояти бир давлатнинг эмас, балки бутун дунё давлатларининг муаммосига айланди. Бу муаммонинг оғриқли томони шундаки, коррупциянинг ривожланиши халқаро муносабатларнинг чигаллашишига ва давлатлар ўртасида муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлаётгани айни ҳақиқат.

Дунё миқёсида коррупция иллатига қарши кураш олиб бориш учун дастлаб унинг келиб чиқиш илдизларини аниқлаш муҳимдир. Қайд этиш лозимки, коррупция ҳақидаги ҳуқуқий манбаларда унинг асосий сабаблари сифатида тўртта омил кўрсатилган. Булар – иқтисодий, ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий илдизлар, яъни жамиятдаги муҳитдир.

Коррупциянинг биринчи омили ҳақида гапирганда шуни айтиш керакки, тарихда коррупция иқтисодий ҳодиса сифатида товар-пул муносабатлари бор жойда мавжуд бўлиб келган. Давлатда иқтисодий фаолиятга нисбатан ўрнатилган турли хил чеклашлар, амалдорларнинг кенг, назоратдан холи, чекланмаган ё рухсат бериш, ё тақиқлаш ваколати коррупциянинг илдиз отишига замин яратади. Шу билан бирга, катта бойликларга эга бўлган баъзи ишбилармонлар ўз даромадларини кўпайтириш ва бозордаги рақобатда алоҳида имтиёзларга эга бўлиш мақсадида ҳукумат амалдорларини пора эвазига сотиб олиш, уларни ўз ихтиёрларига бўйсундиришга ҳаракат қиладилар.

Коррупциянинг яна бир омили – ҳуқуқий сабаблар ҳақида тўхталадиган бўлсак, унинг ривожи давлатдаги қонунларнинг сифатига боғлиқ бўлиб, номукаммал бўлган қонунлар ишламайди ва коррупцияга мойил шахслар бундан устомонлик билан фойдаланишга интиладилар.

Коррупциянинг яна бир омили ижтимоий сабаблар ёки жамиятдаги муҳит бўлиб, бунга аҳолининг ҳуқуқий билим ва маданияти, маънавияти паст даражадалиги, уюшқоқлиги етишмаслиги ва жамоатчиликнинг фаол эмаслиги каби омиллар сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат хизматига баркамол, етук, соғлом фикрлайдиган, маънавияти юксак, яхши тарбия кўрган, аъло хулқли, маърифатли, дунёқараши кенг, пок виждонли шахсларни қабул қилиш ҳам коррупциянинг олдини олишда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Бекмурод МАҲМАТҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ
Шахсий хавфсизлик бўлими
бош инспектори, майор.

Дилфуза телефон қўнғироғидан уйғониб кетди. Жон ҳолатда соатга қаради. Тунги уч. «Ярим тунда қўнғироқ қилаётган ким экан? Тинчликмикан, ишқилиб?» Хавотирлик ила телефонни қўлига олди у.

МЕҲР ЗАВОЛИ

– Ало, эшитаман.

– Келин, сизмисиз? – катта қайноғаси Нормат аканинг товуши келди. Унинг овозидан безовталиги сезилиб турарди.

– Ҳа, ака менман. Яхшимисизлар, тинчликми?

– Тинчлик, келин тинчлик. Узр, ярим кечада ҳаловатларингни бузdим. Болалар яхшими? Шуҳратжоннинг соғлиғи, хизмати жойидами? Унинг қўл телефони ишламаяпти чоғи, ҳеч туша олмадик, – у нимани-дир айтишга қийналарди.

– Бугун тунги навбатчиликка қолишган. Шунинг учун боғланолмаган бўлсангиз керак. Нима гап ўзи?

– Унда сизга айтсам ҳам бўлаверади, келин. Онамизнинг саломатлиги яхши эмас. Ҳозир ҳаммамиз туман шифохонасидамиз. Аҳволи кундан-кун оғирлашиб боряпти. Дўхтирлар пойтахтга олиб борсаларинг, тузалиб кетиши мумкин, деди. Энди умидимиз Шуҳратжондан. Нима бўлганда ҳам ўқиган. Пойтахтда яшайсизлар, таниш дўхтирлари бўлса керак?

Қайноғасининг гапидан Дилфуза бир дам сукут сақлаб қолди. Унинг:

– Келин, Дилфузахон, гапимни эшитаяпсизми? – деган сўроғидан ўзига келди-ю.

– Ҳа, ҳа, ака, эшитаяпман. Фақат онамнинг аҳволларини эшитиб, бир оз ўзимни йўқотиб қўйдим. Хавотир олманг, укангиз навбатчиликдан қайтган заҳоти бу хабарни етказаман. Ўзлари бориб, онамизни олиб келади, – дея Нормат акани тинчлантирди у.

– Умрингиздан барака топинг, келин. Айтганингиздек, ўзи келса яхши бўларди. Чунки дўхтирлар билан юзма-юз гаплашиб, қаерга кўрсатиш кераклигини билиб, олиб кетганига нима етсин? Биз ҳам қараб турмаймиз албатта, онамиз яхши бўлиб кетса бўлди.

Хайр-хўшдан сўнг бу ёқимсиз хабардан уйқуси қочган Дилфуза қандай йўл тутишни билмай, диванга чўкканча ўйланиб қолди. «Қаердан ҳам шу қўнғироққа жавоб бердим, номерига қарасам ўлармидим», ўзини-ўзи койиди у. «Эндигина чет эл мебелига пул йиққан эдик. Онасини олиб келадиган бўлса, янги мебель олишдан умид қилмасам ҳам бўлади. Кейин, етмишдан ошган, дарди оғир кампирни қаратишдан нима фойда? Биз ҳам қараб турмаймиз, эмиш, ўзи бир этак бола билан амаллаб яшайди-ю, қуруқ мулозаматига куйиб ўлайми? Аслида, қайнонамнинг пенсиясини олиб ишлатаётган ўшалар. Ўзлари қаратиши керак. Бир-биридан шаддод қизлари-чи? Ҳаммаси оилалик, қўлида пул ўйнайди. Оналарини қаратсин ўшалар». Дилфуза ўйлагани сари асаби бузилар, айни дамда уни ўлим билан олишаётган қайнонасининг аҳволи эмас, бу хабарни қандай йўл билан эрига етказмаслик хаёли қийнарди...

Шуҳратжон билан Дилфуза бир қишлоқ, бир маҳаллада улғайишди. Қадди-қомати келишган, оғирвазмин, бир сўзли Шуҳратжонга ғойибона кўнгил берган қизлар кўп эди. Рисолат опа отасидан эрта етим қолган кенжа ўғлини ўзгача меҳр билан суярди. Қишлоқдаги бообрў хонадон бошлиғи Акбар ака автоҳалокат сабаб оламдан ўтганида фарзандларининг каттаси Норматжон эндигина ўсмир ёшига қадам қўйганди.

Беш фарзанд билан бева қолган Рисолат опа анча пайтгача бу айриликдан ўзига кела олмади. Аммо ўғил-қизлар келажагига масъуллик унга куч бағишлади. Болалар биринкетин оёққа туришди. Улар оталари орзу қилгандек олий маълумотли бўлишмаса-да, турли касб-ҳунарларни эгаллаб, ҳаётда ўрин топишди. Онасининг яқин таянчи бўлган Норматжон устачилик қилиб, ҳамширалик касбини эгаллаган сингилларининг уйли-жойли бўлишларига бош бўлди.

Оила кенжаси Шуҳратжон эса Рисолат опанинг саъй-ҳаракати билан олийгоҳда таҳсил олди. Қишлоқнинг сулув қизларидан бўлган Дилфузага ўғлининг кўнгли борлигини сезган она «Нима бўлганда ҳам маҳаллангдан қўймасин», дея тўй-у томошалар ила келин қилди уни. Бир ҳафта ўтар-ўтмас Шуҳратжоннинг масъулиятли вазифаси сабаб келин-куёв пойтахтга жўнаб кетишди.

Йиллар елдирим шамол. Ўғил-қизлари ўзидан тиниб, бир этак набираларга эга бўлган Рисолат опа фақат кенжа ўғлига интиқ, йўлига кўз тутиб яшади. У ҳар гал меҳрибонлик ила: «Биз билан ҳам яшанг», деб қанча ялинмасин, «Ўз уйинг, ўлан тўшагинг», дея шаҳардаги каталакдек уйларда ёшлар билан туришни ўзига эп кўрмади. Тўғрироғи, жуфти ҳалоли билан яхши кунлари ўтган ҳовлидан бир дам бўлса-да, айрилишни истамади. Захматлардан қутилиб, ўғил-қизларининг роҳатини кўрадиган бир паллада унга дард чанг соляпти...

Шуҳратжон навбатчиликдан тушга яқин қайтди. Ўзини қўярга жой тополмаётган Дилфуза хизматдан ҳориб қайтган эрининг хотиржамлигидан сездики, унга хабар етиб келмаган.

– Эрталаб хизматга доир муҳим тадбир бўлди, шуни ўтказиб келяпман, – аёлининг синчков нигоҳига жавобан «ахборот» берган бўлди у. – Телефонимнинг қуввати тугаб қолган, токка улаб қўй. Мен бир оз дам олмасам бўлмайди, жуда чарчаганман.

Дилфуза қайнонаси ҳақида сўз очишга неча бор оғиз жуфтлади. Бироқ шайтоний ўйлар йўл бермади унга. Қўл телефонини эса ўчириб қўйди.

Орадан икки кун ўтди. Хизматга барвақт кетган Шуҳратжон шу куни уйга қайтмади. Йўлига кўз тикиб ўтирган Дилфузанинг қўнғироқлари эса жавобсиз қолди. Бу пайтда Шуҳратжон оғир аҳволда жонлантириш бўлимига ётқизилган онасининг ёнида ўтирарди. Кўзлари юмуқ, нафас олишга қийналаётган онаизорининг қўлларини юзига босиб, кўзи тўла ёш билан термуларкан, отаси ўлимидан сўнг сочларига бир кечада оқ тушган, ёшлиги эрта хазон бўлган, бор меҳри-ю, ҳузур-ҳаловатини ўғил-қизларига бахшида этган мушфиқ волидасига Аллоҳдан умр тиларди. Ўғил бўлиб унга меҳр-мурувват кўрсата олмаганидан бағри куярди...

Шифокорларнинг саъй-ҳаракати билан Рисолат опа аста-секин ҳаётга қайтди. Шу кунлар ичида Шуҳратжон бир дам бўлса-да, ундан узоқлашмади. Воқеадан хабар топиб, шифохонага етиб келган Дилфуза чеҳраси хомуш ва сўлғин умр йўлдошига кўзи тушди-ю, ранги оқарди. Шуҳратжон саросимада турган юзсиз хотинига аста, аммо қатъият билан: «Бу ердан кет», деди нафратини яширолмай. Унинг гап оҳангидан юраги ҳапқириб кетган Дилфуза олдинга қадам босолмай бемажол қотиб қолди...

Зулфия ЮНУСОВА.

АЗ-ЗАМАХШАРИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

Ўзингга зарур бўлган ҳар қандай керак нарсани сотиб ол – бу эркак кишининг мурувватини, қудратини, эрлигини кўрсатади. Чунки ўша нарсани бировдан сўрасанг, у сенга сўраганни эмас, бошқачароғини беради (инсон табиати шундай), сотиб олганингда эса ўзингга керагини танлайсан.

* * *

Таомга ортиқ даражада ҳирс қўйиш худбину пасткаш кишиларнинг ахлоқларидандир.

* * *

Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

* * *

Баланд тоғларга кўтарилиб ва пастликларга тушиб сафар қилиш уйда, деворлар ичида, машаққатлар орасида оч ўтиришдан авлодир (хайрлидир).

* * *

Зиммангда фарз бўлган нарсани қарз ва бурч ўрнига қўй. Бу ҳол қалбингу дилингга роҳат бахш этиб, шону шарафинг ва обрўйингни сақлаш учун энг тўғри йўлдир.

* * *

Илмли бўлиш бир баланд тоққа чиқиш каби кўп машаққатлидир, лекин ундан тушиш осон, жоҳиллигу нодонлик булоғи чуқур чашма мисоли бўлса-да, бироқ у кўп қийинчилигу азобларга гирифтор қилади.

* * *

Илмли бўлиш ўқиш, ўқитиш, ёзиш билан ҳосилу мукаммал бўладиган бир сабоқдир. Агар олим киши чиройли, хушхат ёзувга эга бўлса, бу унинг камолотга етганидан далолатдир.

* * *

Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган ўйлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошма-шошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут.

* * *

Қиладиган ишларингдан душманинг огоҳ бўлиб, улардан кўз юмиши сенга илон чаққандан кўра ҳам зарарли ва машаққатли бўлади.

* * *

Деҳқончилик қилиб зироат экиш фойда-ю, хайр-барака бирла муштаракдир. Бу касб ўз халқини беҳад хайр баракага буркайдир.

* * *

Аллоҳ таолодан астойдил илтижо билан ўтиниб сўраган кимсанинг нидоси сира ноумид қолмайди.

* * *

Баъзида икки ярамасдан Ҳасан мисоли гўзал бир ўғлон дунёга келади, чунончи қон билан этнинг орасидан сут чиқади.

Vaziyat
Газетаси
Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят компьютерхонасида саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
Н. ОСТОНОВ

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди ва изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газетадан олинган материаллар манбаси кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 3 январда 0096-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, 4.
Тел.: (71) 235-58-49,
(90) 996-36-77
(99) 012-19-59

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун – 382

Газета "BUSINESS PRINT PLUS" МЧЖ босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6350 нусха